

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ УЧУН “ДАРС ЖАДВАЛИ” АХБОРОТ ТИЗИМИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

Зиядуллаев Д.Ш, Сафаров А.Д, Раҳмонов М.Ш, Абдувохидов М.

ОТМ машғулотлар дарс жадвали тузишнинг автоматлаштириш методи кўриб чиқилган. Ишлаб чиқшининг асосий йўналиши дарс жадвалининг автоматлашган режимини яратиш бўйича олинган натижалари келтирилган.

Рассмотрены методы автоматизированного составления расписания занятий вуза, основные направления разработки, представлены имеющиеся результаты по созданию расписания в полуавтоматическом режиме.

Ўқув жараёнини такомиллаштириш ўсулларидан бири дарс машғулотлар режасини оптимал амалга ошириш хисобига эришилади. Бу муаммони хал этиш билан яъни автоматлашган тизим яратиш бўйича кўплаб олимлар амалий иш олиб боргандар. Хозирги вақтда бу муаммо маълум маънода тўлалигича ечилмаган. Топшириқнинг долзарблиги шундаки, таълим сифатини оширишда талабаларнинг ишларини тўғри режалаштириш, хоналар этишмаслигини муаммосини ҳал этиш, аудиториялардан оптимал фойдаланиш, ўқитувчиларнинг машғулотлари параллел келиши каби кўплаб муаммолар киради. Дарс машғулотлар жадвалини яратиш жараёнида кўплаб қарама-қаршиликларни ўрганиш ва кутилмаган тасодифий омилларни хисобга олиш зарур бўлади:

- профессор-ўқитувчининг бандлиги;
- аудиториялар фонди;
- асосий ва алтернатив машғулотлар мавжудлиги;
- лаборатория машғулотларида мос лабораториялар бандлиги;
- хафталик ўқув юклами чегарасидан ортиб кетмаслиги;
- ўқув предматларининг ўқув соатлари ва бошқалар [6].

Ўқув машғулотлар жадвалини тузиш ўқув жараёнини бошқаришнинг энг мухим вазифаларидан бири ҳисобланади. Агар дарс машғулотлар жадвалини автоматлаштириш вазифаси хал этилмас экан, олий таълим тизимининг массавий таълимдада ўқув жараёнини ташкил этиш долзарб муаммолардан бири бўлиб қолади. Шунингдек дарс жадвалини мувофақиятли тузилиши бир нечта омилларга таъсир этади:

- a. таълим сифати;
- b. таълим иқтисодий самарадорлиги;
- c. ўқитувчилар таркиби билан ишлаш ва талабалар ўқиш қулайлиги.

Ўқув машғулотларининг автоматлаштириш проседурасини тузиш қўйидагиларга рұксат беради:

- дарс жавдалига қўйилган кўплаб талаб ва шартларни хал этиш;
- қатъий, яхши тузилган, аниқ мақсадли дарс жадвалини шакллантириш;
- тузилган дарс жадвалга оптимал ва мезонли ёндашувни амалга ошириш;
- дарс жадвал тузишга сарфланган вақтни сезиларли камайтириш.

Автоматлашган дарс жадвалининг кейинги оптималлаштириш босқичи юқори хажмли мураккаб комбинацияли топшириқ бўлиб, буни ечиш учун кўп даражали оптимизация методини қўллаш, кўплаб тасодифлар назарияси, генетик алгоритмлар, экспертили тизим методлари, шунингдек дастурий маҳсулот ишлаб чиқишига тўғри келади. Дарс жадвал сифатини кўтариш ва сарфланаётган вақт сарфини камайтириш учун маҳсуслашган генетик алгоритм (ГА) қўллаш билан дарс жадвали тузиш жараёнини автоматлаштириш таклиф этилади [1]. ГА қўйидаги хоссалар билан боғлиқ равишда қўлланилади: топшириқни ечиш усулини қидириш номаълум, ёки анъанавий ечиш усули мавжудлиги, бироқ у ўта сермехнатлидир. ГА ишланмасининг энг қийин босқичи,

мослашувчанлик функцияси ёки фитнес-функция қийматларни хисоблаш ва хромосомалар кодировкасини амалга ошириш бўлади. ГА қўллаш учун қўйида келтирилган ахборот ўқитувчининг ўқув юкламасига эга деб хисоблаймиз: интизом тўғрисида; машғулот тури; хафтада ўқув соатлар миқдори; у ўқитадиган гурухлар; мураббийлик. Дарс жадвал сеткасига ўқув юкламани жойлаштириш зарур, яъни ҳар бир ячейка хафта номери (суръат/маҳраж), хафта кунлари, ленталар номери, аудиториялар номери билан характерланади [1]. Хромосомалар бу-машғулотлар жадвал варианти, машғулотлар жадвали тўплами эса ўзида популясияни ифодалайди. Хромосомани кодлаштириш қўйидаги усулда амалга оширилиши мумкин:

Ҳар бир ўқитувчи хромосома қисми-жадвал сеткасини олиб кетади, ген қиймати ўқув юкламаси бўлади.

Ҳар бир ўқитувчи хромосома қисми-унинг барча ўқув юкламасини олиб кетади, ген қиймати жадвал сеткадаги ячейка коди бўлади.

Бироқ бундай кодлаштириш усули, хромосомалар мумкин бўлмаган қийматларга эга бўлиши мумкин, яъни бир вақтнинг ўзида бир гуруҳда турли ўқитувчилар машғулоти тўғри келиб қолади, бундай популяциялаш эришиб бўлмайдиган мазмунга эга бўлади. Хромосомаларни баҳолаш учун фитнес-функция қўлланилади, хромосомаларни декодлашда жарималар суммасини аниқлаш берилади. Жаримага қўйидагиларни олиб келиш мумкин:

- “машғулотлар орасида ойна” мавжудлиши;
- кунликда лента миқдорини ошириш мумкинлиги;
- кунликда маъруза миқдорини ошириш мумкинлиги;
- кетма-кет олиб бориладиган, кунликда маъруза миқдорини ошириш мумкинлиги;
- хафта иш кунларида ўқитувчилар миқдорини ошириш;
- қачонки ўқитувчи машғулот олиб бориши иложсиз бўлганда (масалан кенгаш йиғилиши, хизмат сафари ва бошқа), ўша машғулотни эътиборга олиш;
- исталган ўқитувчини кўрсатиш, ўша машғулотда эътиборга олиш ва бошқа.

Популяция геренация мақсади мослаштириш функция минимал қиймати билан дарс жадвали тузишни ташкил этиш бўлади.

Бошқа хусусияти дарс жадвали мураккаб структураланган варианtlарнинг обьектлар алътернатив тахлилларини таклиф этади.

Вариантларни таққослаш учун турли модификацияларга иерархик тахлил методи (ИТМ) қўлланилади. Автоматлашган тизимга аудитория фонд тақсимлаш бўйича турли қарама-қаршиликлар пайдо бўлади, масалан диспетчерлар эскирган усулларни маъқул кўрадилар. Бундай ёндашув дарс жадвали вариантлар танлов бошқаруви бўйича муаммонинг хал этиш шаклини яққол тавсифлаб беради. Дарс жадвалини танлаш бўйича топшириқ модели дараҳт ёрдами билан шакллантирилади. Топшириқни ечиш учун Т.Саатининг модифицирланган иерархик тахлил методини ишлатишга тўғри келади [3]. У афзал кўрилган баҳолар интеграли бўйича вариантларни тартиблашга рухсат беради. “Дарс жадвали” ахборот тизимини ишлаб чиқиш учун My SQL, Delphi, PHP, Excel, Word ва бошқа дастурний таъминотлардан фойдаланилди.

Хозирги вақтда Андижон давлат университети факультетларида “Дарс жадвали” автоматлаштирилган ахборот тизимини ишлаб чиқилган бўлиб, ўқув дарс машғулотлар жадвалини тайёрлашда амалий равишда ишлатилмоқда. Дастурний маҳсулот ишга тушгандан сўнг химоя тизим ойнаси пайдо бўлади. Керакли майдонлар тўлдирилгандан сўнг дастур интерфейси намоён бўлади.

The image shows a dual-monitor setup. The top monitor displays a 'Kirish' (Login) window with fields for Semestr (Semester), Server, Login, and Parol (Password), along with a 'Kirish' button. The bottom monitor displays a 'Dars jadvali - 2.4.0.0 - Fizika-matematika fakulteti' application window. This window includes a navigation bar with 'Dastur', 'Yarmishalar', 'Guruhlar', 'Sessiyalar', 'Festler', 'Öğütuvchilar', 'Auditoriyalar', 'Ocheretish', and 'Yangilash'. On the left, there's a sidebar with dropdown menus for 'Semestr' (Semester), 'Kurs' (Year), 'Guruh' (Class), 'Hakemler' (Referees), 'Parol' (Password), 'Dilsharshing imish shart' (Condition for certificate), 'Öğütuvchi' (Supervisor), 'Auditoriya raqami' (Auditorium number), and 'Bürochi auditoriya raqami' (Office auditorium number). The main area contains several tables under different tabs: 'Jadval', 'Dastursh', 'Tazakka', 'Cheteshsh', 'Faqihsh', 'Jurnal', and 'Moshka'. Each table lists various subjects or activities with their respective details like date, time, location, and responsible person.

Автоматлаштирилган ахборот тизим қўйидаги қулайликларни яратиб беради:

- машғулотлар оқими жойлашувини кузатиш ва таҳирлаш;
- гурух ва гурухостилар учун машғулотлар жойлашуви;
- ўқитувчилар учун машғулотлар жойлашуви;
- машғулотлар учун ўқув аудиториялар жойлашуви;
- аудитория, гурух, гурухости, ўқитувчиларнинг бандлигини назорат қилиш;
- машғулотлар жадвали ва ўқув юкламаларида соатлар миқдори учун назорат қилиш;
- гурухлар ва ўқитувчиларнинг ўқув юкламаларини таҳирлаш.

Шунингдек дастур маълумотлар омборига янги гурух, фанлар, ўқитувчилар таркиби ва бошқалар киритиб борилади. Маълумотлар омбори ўқув ишлар бўйича декан ўринбосарлари томонидан тўлдириб борилади.

The image shows two side-by-side software windows. The left window is titled 'Fanlar bilan ishlash' (Working with subjects) and displays a list of subjects (fanlar) with columns for id and name. The right window is titled 'O'qituvchilar bilan ishlash' (Working with teachers) and displays a list of teachers with columns for id and name. Both windows have search bars at the top and navigation buttons at the bottom.

| id | name |
|----|-----------------------------------|
| 1 | Algoritmlar |
| 2 | Operatsion tizimlar |
| 3 | Kompyuter grafikasi va dizayn |
| 4 | Kompyuter grafikasi va Web dizayn |
| 5 | Algoritmash va dasturlash tillari |
| 6 | Oly matematika asoslari |
| 7 | Matematik taxil |
| 8 | Mekhanika |
| 9 | O'zbekiston tarixi |
| 11 | Chet tili |
| 12 | Fizikadan masalalar yechish |
| 13 | Jismoniy madaniyat va sport |
| 14 | Rus tili |
| 15 | Kompyuter ilmiga kirish |

| id | name |
|-----|-------------------|
| 104 | |
| 227 | Abdug'afforov F |
| 94 | Abduqapparov Sh |
| 229 | Abdullahov B |
| 150 | Abdullahov E |
| 264 | Abdumalikov I. |
| 197 | Abduqaxkorov S |
| 221 | Abduqaxkorova F |
| 193 | Abduqodirova F |
| 44 | Abdurazzoqov A |
| 225 | Abdurazzoqova F.K |
| 68 | Abduvoxidov A |
| 134 | Abidova A |
| 186 | Ablazov E |

Дастурнинг ўқитувчи ва ўқувчилар учун қулайлик томонларидан яна бири дарс жадвали интернетдаги веб сайт орқали ҳам фойдаланиш имкониятидир. Шунингдек унинг мобил илова варианти ҳам ишлаб чиқилган бўлиб, юклаб олиш истаги бўлганлар www.murodjon.uz сайтига мурожаат қилишлари мүмкин.

Шундай қилиб ўқув дарс жадвалидаги кўплаб муаммолар ўрганилиб бу автоматлашган ахборот тизими ёрдамида ижобий хал этилмоқда. Фойдаланувчиларнинг талаб ва истаклари ўрганилиб автоматлаштирилган “Дарс жадвали” ахборот тизимнинг янги версияси фойдаланишга тайёрланмоқда.

Адабиётлар

- Трещев, И. А., Григорьев Я. Ю., Воробьев А. А. Система защиты конфиденциальной информации для высших учебных заведений «Электронный университет» Интернет-журнал Науковедение. 2013. № 1. с. 44.
- Сарилова, О. А., Григорьева А. Л., Григорьев Я. Ю. Факторная модель как метод оценки вклада нематериальных активов в стоимость организации ученыe записки Комсомольского-на-Амуре государственного технического университета. 2012. т. 2. № 11. с. 107–112.
- Гамма., Э. Приемы объектно-ориентированного проектирования. Паттерны проектирования / Э. Гамма, Р. Хелм, Р. Джонсон, Дж. Влиссидес. — СПБ: «Питер», 2007.
- Григорьева, А. Л., Григорьев Я. Ю. Эконометрика для экономистов. Международный журнал прикладных и фундаментальных исследований. 2011. № 7. с. 134–135.
- Сен, Н. Д., Котляров В. П., Григорьев Я. Ю. Применение оценок на основе энтропии для сравнения криптостойкости алгоритмов шифрования. Современные научно-технические технологии. 2013. № 2. с. 105
- Молодой учёный. Международный научный журнал. № 9 (113) / 2016